Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

10 ИЮЛЬ 1968 й.
3-йил чиқиши
ЧОРШАНБА
№ 159 (619)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Сиз суратда кўриб турган бу йигит 1-троллейбус депосининг моҳир ҳайдовчиси коммунистик меҳнат зарбдори Мутал Жўраевдир. Шаҳар трамвай-троллейбус трестида 20 йилдан буён транспорт ҳайдовчиси бўлиб келаётган бу пешқадам ишчи пассажирлар ташиш топшириқларини ортиғи билан адо этади. Унинг аҳди беш йилликни муддатидан илгари адо этиш.

СТУДЕНТЛАР ПРАКТИКАДА

Тошкент Политехника институтининг химия-технология факультетида ҳам имтиҳонлар тугади. Энди студентлар 55 кун давомида Иттифоқимизнинг Кемерово, Чоржўй, Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ, Навоий каби бир қанча шаҳарларида практика ўтказадилар. Улар практика давомида ўз соҳалари бўйича олган назарий билимларини амалда синаб кўрадилар, янги техникани жорий қилиш ва бошқариш йўлларини ўрганадилар.

● Ёзнинг иссиқ кунларида

«РОҲАТ» ЛИМОНАДИ

Куннинг энг иссиқ дамларида ана шу лимонаддан бир пиёласини ичсангиз, чанқоғингиз босилади-қолади. Ана шунинг учун ҳам 3-пиво заводининг мутахассислари бу ичимликни «Роҳат» деб атадилар.

— Республика миз нинг заводларида оммавий тарзда ишлаб чиқаришга киришилган бу янги ичимлик Москвадаги Бутуниттифоқ дегустациясида аъло баҳо олди, — дейди «Ўзпивтрест»нинг бош инженери В. Л. Гилис.— Унинг ажойиб таъми бор. Бу мавсумда республика заводлари янги ичимликдан 50 минг шишадан ортиғини тайёрлайдилар.

Ўзбекистон ичимликларининг тури жуда кўп. «Сўғдиёна», «Восток», «Гулистон», «Ёз», «Крюшон» ичимликлари шулар жумласидандир.

1968 йили республика пиво заводлари конвейерларидан 30 миллион шиша ана шундай совуқ ичимликлар чиқади.

БУГУН ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА

Билим мустаҳкамланмоқда

Филология факультети II курс студентлари Жанубий Қозоғистонга практикага жўнаб кетдилар. Улар бир ой давомида Жанубий Қозоғистоннинг Туркистон шаҳри, Иқон, Қорачиқ, Отабой, Ўрангай қишлоқларида бўладилар ва маҳаллий ўзбек шеваларининг хусусиятларини ўрганадилар, халқ оғзаки ижодидан материаллар тўплайдилар. Филология фанлари кандидати С. Ҳайдаров раҳбарлик қилаётган бу практика студентларга ўз назарий билимларини янада мустаҳкамлашга, ҳали номаълум бўлган халқ оғзаки ижодининг нодир намуналарини тўплашга ёрдам беради.

Имтиҳонлар яқин

Бугун университетнинг биноси одатдагидан гавжум бўлди. Абитуриентларнинг асосий диққати имтиҳонлардаги ўзгаришлар ёзилган эълонга қаратилган эди.

Бу йил университетнинг баъзи факультетларида кириш имтиҳонлари ўзгаради. Жумладан, биология-тупроқшунослик факультетига киришни истаганлар биологиядан имтиҳон топширадилар, физикадан эса фақат ёзма имтиҳон бўлади. Физика факультетига кирувчилар химия фанидан имтиҳон топширишдан озод қилиндилар, тарих факультетининг фалсафа бўлимига кирувчилар эса чет тилидан оғзаки имтиҳон топширадилар.

Университетнинг ҳамма факультетларига бу йил жами 1 400 дан ортиқ, шундан рус группаларига 542 киши, ўзбек группаларига эса 900 га яқин киши қабул қилинади.

Ҳозиргача университетга киришни хоҳлаган 745 кишининг ҳужжати қабул қилинди.

Қизлар ёрдами

Студентлар шаҳарчасида қурилаётган университетнинг бош корпуси биносида шу кунларда иш қизғин. Бино янги ўқув йилида студентларни ўз қучоғига қабул қилади. Ҳозир бу ерга университетдан 200 га яқин қиз ёрдамга келган. Филология факультети I-курс студентларидан М. Хўжаева, М. Назирова, З. Еримбетова, Ш. Қаҳҳоровалар ўз ишлари билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Дўстона ёрдамга

Филология факультети III курс студентларидан 16 киши Ватанимиз пойтахти Москва МГУнинг қўшимча корпусини қуришда ёрдамлашиш учун ўз ҳамкасбларининг чақириғига жавобан жўнаб кетдилар.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

РАНГЛИ ҒИШТЛАР

Республика қурилиш материаллари министрлигига қарашли 3-ғишт заводи коллективи пойтахт қурилиш объектларига тобора кўпроқ ғишт ва бошқа материаллар етказиб бериш учун курашиб, катта ютуқларга эришяпти. Корхона коллективи шу йилнинг олти ойи мобайнида пландан ташқари кўплаб ғишт, 170 минг дона девор блоклари ишлаб чиқарди.

Заводда ишлаб чиқариш суръатларини ошириш билан бирга материаллар ассортиментини кўпайтиришга ҳам эътибор беримляпти. Бу ерда яқинда рангли ғишт ишлаб чиқарадиган янги цех фойдаланишга топширилди. Коллектив янги цехда йил охиригача 3 миллион дона рангли ғишт ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпти.

●

ТЎРТ ТАКЛИФ

1-нон заводидаги рационализаторлар ва ихтирочиларнинг илмий-техника жамияти йил бошидан бери 4 та таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилди. Бу таклифлар орасида айниқса заводда 1934 йилдан бери ишлаётган механик Данькoнинг таклифи аҳамиятлидир.

Корхона ўтган йилнинг октябрь ойидан планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлаяпти. Янги шароитда маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш энг асосий вазифалардан ҳисобланади. Рационализатор ва ихтирочиларнинг илмий-техника жамияти ҳам ўз фаолиятида асосан мана шу масалаларга эътибор беряпти.

●

ЎҚУВЧИЛАР КОРХОНАДА

Пойтахтимиздаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийдиган 100 га яқин ўқувчи бир ойдан ортиқ вақтдан бери чинни заводида практика ўтказмоқда. Бу ерда уларга завод мастери Ёдгор ака Соипов раҳбарлик қиляпти.

—Ўқувчилар юксак интизом асосида меҳнат қилиб корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишмоқдалар, — дейди мастер.—Улар навбат билан ҳамма цехларда бўлдилар. Ўқувчилардан Ҳабибулла Жаҳонгиров, Абдулла Муҳамедовлар коса ва пиёлаларни қолипдан силлиқлаб чиқаришда завод ишчиларидан қолишмаяптилар. Қизлардан М. Юсупова, Мунора Абдураҳмонова, Наима Мажидовалар қисқа вақт ичида чиннига гул солишни яхши ўрганиб олдилар.

Заводда меҳнат қилаётган ишчи ва инженер-техник ходимларнинг кўпчилиги 24-мактабнинг собиқ ўқувчиларидир. Ҳозир практика ўтказаётган ўқувчиларнинг кўпчилиги ҳам ўнинчи синфни битиргач, шу корхонага ишга келишади.

СУРАТДА: Тошкент офсет фабрикасининг босма цехидан Ленин комсомолининг 50 йиллигига бағишлаб кўплаб турли хил юбилей плакатлари нашр этилмоқда. Олдинги қаторда цех бошлиғи А. Иброҳимов ва смена мастери М. Багиров ўртоқлар нашр этилаётган плакатларини кўздан кечирмоқдалар.

ЁРДАМЧИ КУНДАЛИКЛАР

Кеча Октябрь район партия комитетида қурилиш ташкилотлари ва лойиҳа институтлари партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди.

Районда капитал қурилиш вазифалари ҳақида район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. СОДИҚОВ гапириб берди. Трест партия комитетининг қурилиш сифатини яхшилаш бўйича қўлга киритган ютуқлари ҳақида 2-пардозлаш тресты партия комитети секретари Н. Н. Тян сўзлаб берди.

Семинар охирида унинг қатнашчиларига район партия комитети томонидан тайёрланган партия ташкилоти секретарларининг кундаликлари тарқатилди. Бу кундаликларда қилинадиган ишларнинг планлари батафсил ишлаб чиқилиб, учёт учун махсус варақлар ва партия топшириқлари учун махсус қоғозлар бор. Бундай кундаликлар партиявий-ташкилий ишларни амалга оширишда секретарларга жуда қўл келади.

Ёз соз ўтмоқда

«АРТЕК» ҚУЧОҒИДА

Бутуниттифоқ «Артек» пионер лагерининг биринчи сменаси тугади. Ўзбекистондан борган 240 ўқувчи бу ерда мароқли ҳордиқ чиқарди. Июль ва август ойларида ҳам республикамиздан 380 ўқувчи «Артек»да дам олади.

Шу йил август ойида «Артек»да «Қизил изтопарлар»нинг Бутуниттифоқ слёти бўлади. Ҳозир шу слётга қизғин тайёргарлик кетяпти.

Куни кеча Тошкентдаги марказий универсаль магазини ЦУМ коллективи комсомол ёшлар «Машъала»сини ўтказдилар. ЦУМ ёшларининг бу «Машъала» кечаси ниҳоятда кўнгилли ўтди. Шаҳримизнинг гўзал оқшомига қўшилиб, анчагача шўх қўшиқлар ва рақслар ёшларни хушнуд этди.

СУРАТДА: ёшлар «Машъала»сида.

М. Нуриддинов фотолари.

Бир комбинат янгиликлари

ЎҚУВ ПРАКТИКАСИ

Белгород шаҳрининг индустриал техникумидан келган 33 студент 4 ойдан бери абразив комбинатида ўқув практикасини ўтказмоқда.

— Биз комбинатда 8 ой бўламиз. Лекин шу кунгача бу ерда кўп нарсаларни ўргандик, — дейди студент Геннадий Чернов.

Студентлардан В. Поливанов, В. Денисова, К. Лопировалар ҳам ўқув практикаларини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Уларга билмаганларини корхона ишчилари ўргатишаётир.

●

БАЙРОҚ ҚЎЛДАН-ҚЎЛГА

Май ойида корхонанинг кўчма Қизил байроғи Николай Похонов бошчилик қилаётган цех коллективи қўлида эди.

Ўтган ойда эса бош мастер Эгамберди Исаев раҳбарлик қилаётган токарлар участкаси коллективи ишлаб чиқаришда муҳим кўрсаткичларни қўлга киритди. Улар пландан ташқари 9 минг 100 сўмлик қайроқ тош ишлаб чиқардилар. Шунинг учун кўчма Қизил байроқ токарлар участкасининг меҳнаткашларига берилди.

●

ЯНГИ АГРЕГАТ

Комбинатнинг формовка цехи яқинда реконструкциядан чиқарилди. Бу ерда қайроқ прессловчи янги агрегат келтирилди. Улар орасида «АФА-1» пресси ишчиларга жуда қўл келмоқда. Уни ишга туширишда конструктор Н. Я. Костров ва бошқа инженер-техник ходимларнинг хизмати катта бўлди.

●

БАЛИҚ ОВИДА

Комбинатнинг қайроқ тош тайёрлаш цехида 544 киши меҳнат қилади. Ишчилар яхши ишлаш билан бирга мароқли ҳордиқ ҳам чиқарадилар. Ҳозиргача бир неча киши курорт ва санаторийларга бориб, ёз гаштини суриб келди. Яна 80 дан ортиқ ишчи яқин кунлар, ичида санаторийларга дам олгани жўнайди.

Ишчилар ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунларини шаҳар ташқарисидаги оромбахш жойларга бориш билан ўтказадилар. Ўтган дам олиш кунини улар Бурчмулла тоғлари қўйнида ўтказишди. Балиқ ови ишқибозларининг ҳам бу гал омади келди.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ БЎЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикадаги мактаб ва бошқа болалар муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш масаласини муҳокама қилди.

Самарқанд ва Хоразм областлари партия ва совет ташкилотлари, халқ маорифи органлари ва жамоатчиликнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига мактаб ва бошқа болалар муассасаларини 1968—1969 ўқув йилига тахт қилиб қўйиш тўғрисидаги тадбирлари маъқулланди.

Самарқанд ва Хоразм областлари белгилаган тадбирларда мактаб ёшидаги барча болаларни диққат билан ҳисобга олиш ва уларни ўқишга тортиш; саккиз йиллик маълумоти бўлмаган барча ўспиринларни ўқишга жалб этиш, мактабларни ўқитувчилар билан тўла таъминлаш ва уларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш, мактаб биноларини ўз вақтида ремонт қилиш ва уларни ускуналаш, янги мактаблар қурилишини амалга ошириш, спорт базаларини мустаҳкамлаш, ўқувчиларга иссиқ овқат ва медицина хизматини уюштириш кўзда тутилади.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар умумий таълим тўғрисидаги Қонунни тўла бажаришга қаратилгандир. Республикадаги шаҳар ва район партия ва совет органларига, халқ маорифи органларига ва жамоат ташкилотларига Самарқанд ва Хоразм области ташаббусига қўшилиб, барча умумий таълим мактабларини ва бошқа болалар муассасаларини 1 сентябргача ўз вақтида намунали тайёрлаб қўйишга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия қилинди.

Область партия комитетларига ва Тошкент шаҳар партия комитетига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижрокомларига, Тошкент шаҳар ижрокомига, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига қурилиш ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни амалга ошириш таклиф қилинди:

Ўн кун ичида мактаблар ва бошқа болалар муассасалари қурилиши ҳолатини аниқлаш ҳамда халқ хўжалиги планларида кўзда тутилган муддатларда уларни фойдаланишга топшириш учун барча тадбирларни кўриш;

Ўз маблағлари ва ўз кучлари ҳисобидан мактаб қураётган колхоз ва совхозларга амалий ёрдам кўрсатиш ва шу билан уларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш;

Ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан мактабларни ремонт қилишга отланган колхоз ва совхозларнинг, корхоналар, муассасалар ва бошқа оталиқ ташкилотларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш;

мактаб биноларини ва бошқа болалар муассасаларини ремонт қилиш, ускуналаш ва инвентарлар билан таъминлаш, қўшимча хоналар қуриш ва биноларни кенгайтириш, ўқув кабинетларини, устахоналарни, мактаб ошхона ва буфетларини ўқув кўргазмали қуроллар ва ускуналар билан тўла таъминлаш, электрлаштириш, телефонлар ўрнатиш, имконияти бор жойларда печка билан иситиш ўрнига марказлаштирилган усулда иситишга ўтишни 15 августгача тугатиш;

саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларини пландан ташқари жамғармалар ҳисобига умумий таълим мактаблари қуришга, ремонт қилишга ва ускуналашга жалб этиш;

ўқитишнинг техник воситаларини жорий этишга, ўқув кабинетлари ва устахоналар тармоғини кенгайтиришга, уларни ўқув-кўргазмали қуроллар ва ускуналар билан тўла таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш, шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш. Ўқувчиларни дарсликлар билан, ўқитувчиларни эса ўқув программалари билан ўз вақтида таъминлаш, мактабларнинг дарсликлар фондини яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

Ўқитувчилар учун уй-жойлар қуришни, ремонт қилишни таъминлаш ва улар учун квартиралар ажратиш;

барча мактабларга ва бошқа маориф муассасаларига, шунингдек қишлоқ мактабларининг ўқитувчиларига ёқилғи келтириб бериш;

мактабларни ўқувчилар сонининг ошишига қараб парталар билан таъминлаш, парталарни ремонт қилиш устидан қатъий назорат ўрнатиш;

15 августгача мактабларни ўқитувчилар билан таъминлаш ва ҳар бир ўқитувчининг ўз мутахассислиги бўйича ишлашига ҳамда нормал педагогик нагрузкаси бўлишига эришиш;

7—15—16 ёшдаги болалар ва ўспиринларнинг 8 йиллик умумий мажбурий таълимини амалга ошириш, ўрта таълимни янада ривожлантириш, 1 ва 9 синфларга ўқувчилар қабул қилиш планини, барча типдаги ҳамда мактаб ва болалар муассасалари тармоқлари ва ўқувчилар контингенти бўйича планни тўла бажарилишини таъминлаш; ўқувчилар контингентини, айниқса, маҳаллий миллат қизларини таълимнинг охиригача сақлаб қолиш тадбирларини кўриш;

синфларни халқ хўжалиги планида белгиланган норма бўйича қатъий комплектлаштириш, иккинчи сменанинг кўпайишига йўл қўймаслик, учинчи сменада дарс ўтказишнинг олдини олиш; мактаб ҳужжатларини айниқса, болаларни биринчи бор ҳисобга олишни тартибга солиш;

янги ўқув йили олдидан ҳар бир район ва шаҳарда ёш ўқитувчиларнинг учрашувларини ўтказиш. Уларга эътибор бериш ва ғамхўрлик қилиш ҳамда олган ихтисослари бўйича иш билан таъминлаш, турар-жой бериш ва ҳамма кўзда тутилган имтиёзларни яратиш;

Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига ва Маориф министрлигига ёш мутахассисларни белгиланган жойларга ташкилий равишда жўнатиш;

тегишли педагогик маълумоти бўлмаган ўқитувчиларни эса педагогика институтлари ва университетларнинг сиртқи бўлимларига ўқишга юбориш.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва район ижрокомларига қуйидаги вазифаларни юклайдилар:

мактабларнинг микроучасткаларини ишлаб чиқиш ва аниқлаш ҳамда уларни тасдиқлаш; 1—20 августгача 6-7 ёшдаги болалар ва 8-15 ёшдаги ўқимаётган болалар ҳамда ўспиринларни рўйхатга олиш, бунда бетоб болаларни аниқлашга алоҳида эътибор бериб, уларни даволатиш ва ўқитиш. Болаларнинг рўйхатини қишлоқ жойларда хўжалик дафтаридаги, шаҳар ва шаҳар посёлкаларида уй дафтарларидаги ёзув асосида тузиб чиқиш,

15 августгача мактабга элтиб қўйиладиган ўқувчилар сонини аниқлаш; бунинг учун мактабларга яхшилаб жиҳозланган транспорт бириктириб қўйишни ва ўқувчиларни мактабга ҳамда турар-жойларига элтиб қўядиган масъул кишиларни белгилаб қўйиш;

барча мактаб қошидаги интернатларда дарс тайёрлаш, дам олиш ва ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқариши учун маданий-маиший шарт-шароитни вужудга келтириш. колхоз, совхозларнинг оталиқ ёрдами ҳисобига мактаблар қошидаги интернатлар учун бинолар қуриш, имконияти бор ерларда типовой бинолар барпо этишни амалга ошириш. барча мактаблар қошидаги интернатларда уч маҳал овқат тайёрланадиган ошхоналар ташкил этиш;

муҳтож болаларни кийим-бош, пойафзал ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида умумий таълим фондидан тўла фойдаланиш.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига ва унинг жойлардаги органларига қуйидагилар тавсия этилади:

мактаб ёшидаги барча болаларни ўқишга тортиш;

кузги имтиҳонларга қолган ўқувчилар учун қўшимча машғулотлар ташкил қилиш ва шу билан уларни мактабни тамомлаб чиқишга ёки синфдан — синфга кўчишга тайёрлаш;

тўққизинчи синфларга ўқувчиларни чекланмаган миқдорда қабул қилиш;

ишчи ва қишлоқ ёшлари, қатнаб ўқийдиган ва сиртқи мактаблар тармоғини кенгайтириш, ёш ишчи ва колхозчиларни ўқишга тортиш бўйича белгиланган халқ хўжалиги планларини бажариш, уларнинг муваффақиятли ўқишлари учун ҳамма шароитларни яратиш. ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларни кетиб қолишларига йўл қўймаслик учун тадбирлар белгилаш;

фойдаланилмаётган инвентарлар ва ускуналарни (заруо бўлган тақдирда) қайта тақсимлашни ўтказиш; идораларга қарашли муассасалардаги асосий маблағларни сақлаш устидан назоратни кучайтириш ва уларни ҳисобга олишда тартиб ўрнатиш;

Ўқув йили бошида мактаб директорлари ва ота-оналар комитетлари томонидан пулсиз овқат берилиши ёки овқатни 50 процент арзонга бериш лозим бўлган ўқувчиларнинг рўйхатини маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига тасдиқлаш учун топширишни таъминлаш.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижрокомларига, Тошкент шаҳар ижрокоми, Маориф министрлиги. Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув»га қуйидаги тадбирларни биргаликда амалга ошириш таклиф қилинди:

барча мактаб ошхоналарини ва буфетларини ярим фабрикатлар, сут, сабзавот: мева ва бошқа маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш; болалар овқатининг арзон бўлиши. озиқ-овқат маҳсулотларини, иссиқ таомларни ва ярим фабрикатларни ўз вақтида етказиб берилиши учун тадбирлар белгилаш;

мактаб ошхоналари ва буфетларида талон ва абонементлар бўйича таом беришни йўлга қўйиш;

янги бинолар қуриш, мавжудларини тузатиш ва кенгайтириш йўли билан ошхона ва буфетларда ўринлар сонини кўпайтириш чорасини кўриш, ўқувчиларнинг мактаб яқинидаги умумий овқатланиш корхоналарида овқатланишини йўлга қўйиш;

маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига мактаб ошхоналарини технология ва музлатиш ускуналари, мебеллар, идиш-товоқ ва бошқа инвентарлар билан таъминлашга маблағ ажратиш.

Савдо министрлигига ва «Ўзбекбирлашув»га ўқувчилар, пионер ва спорт формаларини сотишни кенг йўлга қўйиш, барча шаҳарларда ва районларда ўқувчилар формасини, пойафзалини мактаб ёзув ашёларини ва бошқа болалар товарларини сотиш учун ярмаркалар ташкил қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот давлат комитетига дарсликларни, программаларни ва ўқув-кўргазмали қуролларини ўз вақтида нашр этиш китоб сотувчи ташкилотларга эса дарсликларни белгиланган муддатларда барча мактабларга етказиб бериш ва уларни бевосита мактаб киоскаларида сотишни уюштириш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети моддий-техника таъминоти бош бошқармасига Маориф министрлиги учун қўшимча лак-бўёқ ва бошқа қурилиш материаллари ажратиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш министрлигига: мактаб болалари ва болалар муассасаларида тарбияланувчилар ўртасида касалликларнинг олдини олиш мақсадида доимий суратда профилактика ишлари олиб бориш, бетоб ва кам қувват болаларга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатиш юклатилди.

Ўқув йилининг бошида ўқувчиларни чуқур медицина назоратидан ўтказиш, биринчи синфга келган болаларга алоҳида эътибор бериш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Маориф министрлигига ва касаба союз ташкилотларига августда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашнинг бориши юзасидан областлараро ўзаро текшириш ўтказишни тавсия этдилар.

Беш йиллик илғорлари

ЕТУКЛИК

Владимир ҳарбий хизматдан қайтгандан кейин биринчи бор заводга келганда бу ердаги ҳамма нарса илгаригидай кўзга яқин, қадрдон кўринди.

— Э-ҳа, Владимир бормисан? — деди Алексей ишга келган ўртоғини кўриб суюнганидан.— Нима, яна стенд тайёрлашда ишлайсанми?

— Бўлмасамчи.

Владимир ҳунар мактабини битириб келганида ҳам уни А. Роднин оталиғига олган эди.

— Ҳамма нарсани бошида яхшилаб уқиб олиш керак, болакай! — деган эди ўшанда у.— Бундан ҳам муҳими эса, касбга меҳр қўйсанг бўлгани.

Володя ҳам худди шундай қилди. Улар баъзан икки сменалаб цехдан чиқмасдак. Йирик габаритлик асбобни стендга қўйишди. Ростини айтганда, шундай пайтда баъзан Володяга алам ҳам қиларди. Танцага боргиси, кино кўргиси, баъзан эса салқингина жойда ётиб ухлагиси келарди. У шундай хаёллар билан турганда жин ургандай вилка оралиқ бўйича нотўғри қўйилиб, ҳамма ишни бошқатдан қилишга тўғри келарди. Лекин Алексей бундай пайтларда, ҳазил-мутойиба билан ўртоқларининг чарчоғини ёзишга уста эди.

Дастлабки кунлари чизмалар чалкашиб, Владимирнинг боши айланиб қолди. Чарчоқдан кўзлари ичига чўкиб, ҳаммасига қўл силкаб жўнаб қолгиси келди.

Аммо Алексей ҳар кўрганда унга руҳлантирувчи сўзлар айтарди:

— Стендлар қалай бўляпти, Володка? — дерди у табассум билан.— Қачон разрядга норма топширасан?

— Ҳаракат қилсам яқинда топширарман.

Шундан кейин у яна ғайрат билан ишга киришарди. Владимир разрядга эга бўлгунча талай қийинчиликларни енгиб ўтди, катта қунт ва ғайрат билан меҳнат қилди. Кейин тез вақт ичида иккинчи, сўнгра эса учинчи, бешинчи разрядга норма топширди.

Мана ҳозир Владимир ҳақида цех раҳбарлари энг яхши асбобсозимиз, деб мамнунлик билан гапиришади.

Ўтган йили кузда самолётсозлик заводи 11-цех касаба союз ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлганда кимдир ташкилот раислигига Владимир Карповнинг номзодини кўрсатди.

— Ҳали ёшку! — деди залдан бир неча киши. — Эплай олармикан?

— Ёш бўлса ҳам ҳалол, ақлли, юзимизни ерга қаратмайди.

Яна кунлардан бир кун Владимир уйига хурсанд бўлиб кириб келди.

— Нима гап, оғзингнинг таноби қочибди,— деди хотини ҳазиллашиб.

— Мени партияга қабул қилишди, табриклашинг мумкин!..

В. МОРОЗОВ.

Тошкент электр машинасозлиги заводи машинасозлари мамлакатимиз халқ хўжалиги учун кўплаб ТС—500 маркали кўчма электр пайвандлаш трансформаторларини ишлаб чиқараётир.

СУРАТДА: йиғув цехининг ёш пешқадам слесари Турсун Қурбонов навбатдаги трансформаторни йиғиш устида ишламоқда.

✦

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

✦

Октябрь районидаги 22-мактабда янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Иккинчи қават ремонти тугади. Турли лаборатория хоналари, сифатли ремонт қилинди.

Кабинетлар кўргазмали қурол ва турли инвентарлар билан бойитилди. Химия, биология, тарих кабинетларининг ҳаммасига 742 сўмлик кўргазмали қурол харид этилди. Кутубхона фонди ҳам янги адабиётлар билан бойитилди.

Редакцияга хат

✦

ВАЪДА ЭМАС, СУВ КЕРАК?

Сўнгги йилларда шаҳримиз беқиёс даражада гўзаллашиб, обод бўлиб бормоқда. Янги-янги турар жой массивлари, осмон ўпар бинолар барпо этилмоқда. Ана шу бинолар атрофида ариқлар ковланиб, сувлар оқмоқда. Новниҳоллар тобора барқ уриб яшнамоқда. Аҳоли истиқомат қиладиган уй-жойлар территорияларида водапровод тармоқлари ўтказилган ва ўтказиляпти.

Октябрь районидаги кўпгина маҳалла ва кўчаларнинг ишлари мақтовга лойиқ. Айниқса, «Авангард» маҳалласи территориясининг деярлик ҳамма кўчалари тўлиқ водапроводлаштирилган. Бироқ, Заболотний кўчасида яшовчиларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Чунки ҳанузгача бу кўчада водапровод йўқ. Тўғри, айрим оила ҳовлиларида водапровод бор. Аммо кўпгина оила қўшни 1-Омонгелди ва Рязанская кўчаларидан сув ташиш билан вақтларини ўтказаяпти. Айниқса, кечки пайтларда бу қўшни кўчадаги водапроводлардан ҳам сув чиқмай қолади. Натижада аҳоли сувни қўшни кўчадан эмас, қўшни «Оқлон» маҳалласидан ташиб келишга мажбур бўлмоқда.

Заболотний кўчасига водапровод ўрнатиб беришни сўраб, «Водаканал» тресли маъмурияти (бошқарувчиси М. И. Хўжаев)га ариза берганимизга тўрт йўл бўлиб боряпти. Аризамиз ҳамон жавобсиз қолмоқда. Ҳар борганимизда «ҳозирча бу кўчага колонка ўрнатишга руҳсат йўқ» деган жавобни айтади.

Баъзан трест ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи А. Рукосуеванинг «Шунча куттан, сабр қилинглар. «Ташгипрогор» институти (директори О. А. Рушковский) бизга лойиҳани тайёрлаб беришяпти. Лойиҳани қўлимизга олган ҳамоно кўчангизда иш бошлаймиз» деган баҳонани рўкач қилмоқда. Аммо ҳалигача амалий ишдан дарак йўқ.

Наҳотки, бизнинг кўчамизга жуда бўлмаса биттагина водапровод колонкаси ўрнатиш шу қадар мушкул иш бўлса?

Шу кўчадан яшовчилар номидан:

Т. ИБРОҲИМОВ,
«Узгипросельстрой» лойиҳалаш инженери;
С. МУСАЕВА,
уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи,
М. ТУРОБОВ,
«Тошкент бинокори» газетасининг ходими.

◆

Ўзбекистон геология бошқармасига қарашли Тошкент ремонт-механика заводи ишчилари республикамиз геология партиялари учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни ўз вақтида созлаб бермоқдалар.

СУРАТДА: шу завод 2-механика цехининг ишчиси Муҳаммад Ғозиев. У пармалаш ускуналарининг деталларини тайёрлаш устида ишламоқда.

М. Нуридинов фотолари.

◆

● Масъулиятсизлик оқибати

АВТОТРАНСПОРТ КУТИБ ҚОЛМАСИН

Қурилиш объектларида у ёки бу бинони қисқа муддатларда қуриб томомлаш, унинг сифати ва таннархи учун курашиш кўп вақт автомобиль транспортининг ишига боғлиқ. Қурилиш объекларига йиғма темир-бетон, қум, шағал, керамзит, қоришма ва ғишт сингари материаллар қанчалик кўп ва тез етказиб берилса, турар жой бинолари шу қадар тез фойдаланишга топширилади.

Автомобиль транспорти хўжалигининг ишни текшириб қаралганда, уларнинг тўла қувват билан ишламаётганлиги маълум бўлди.

Волгоградаги 4-автобаза коллективи бундан икки йил муқаддам Тошкентга 34-та юк машинаси жўнатган эди. Бу машиналар Волгоград қурилиш-монтаж поезди ихтиёрига топширилган. Улар бир йўла 28 минг 500 дона ғишт ёки 143 тонна асфальт, қум, ёхуд 143 тонна цемент материалларини ташиб, қурилишга етказиб бериш қувватига эга. Шуни қайд этиш керакки, Волгоград қурилиш-монтаж поездига бинокорлик материаллари етказиб бераётган заводлар талабдагидек ишламаяпти. Бу заводларда кўп вақт юк транспортлари кутиб қолди, қурилиш материаллари ўз вақтида тайёрланмайди, ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари чидаб бўлмас даражада чўзилиб кетади. Натижада объектлар қурилиши ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг 29 майида шофёр Горбунов бошқарган юк машинаси цемент ортишни кутиб 4 соат вақтни бекор ўтказди. Завод маъмурияти цементни ўз вақтида тайёрлаш ва объектга етказиб бериш учун қайғурганда, машина бу қадар кутиб қолмаган бўлар эди. 22, 23-май кунлари худди ана шу шофёр Оҳангарон цемент заводида бутун бир сменани бекор ўтказди. Фақат бугина эмас, ўша кунлари бу завод полигонида Горбуновдан ташқари 55 та цемент ташувчи машинанинг қимматли вақти шамолга совурилди. Уч ой давомида Горбуновнинг зиммасига 11 та «бахтсизлик» тушди. У 11 марта заводга бориб цемент ололмасдан машинани қуруқ ҳайдаб келишга мажбур бўлди. Шу вақт давомида у 1870 километр йўлни юксиз босиб ўтди. Бу давлатга 540 сўм зарар келтирди, деган сўз.

Керамзит заводида ҳам автомобиль транспортлари юкни кутиб қолмоқда. Масалан, шофёр Савченко бошқарган ЗИЛ-585 юк машинаси 23—24 май кунлари мазза қилиб «ҳордиқ» чиқарди. Ўша кунлари Савченконинг ўзига ўхшаш беш ҳамкасби бутун смена давомида заводдан объектгача атиги икки марта қатнадилар. Ҳолбуки, улар ҳар сменада планни бундан ҳам ошириб бажаришлари мумкин эди. Сабабини суриштирсангиз, машиналарга юк ортиш ҳаддан ташқари чўзилаётганини айтишади.

Шофёр Каблов ҳайдаётган «ЗИЛ—164» машинаси кўпинча ғишт заводларидан қуруқ бориб, қуруқ қайтиб келади. У, заводда уч-тўрт соатлаб кутиб ўтиришга мажбур.

Бундай кўнгилсиз ҳодисалар «Росташстрой» трестига қарашли базаларда ҳам бўлиб туради. Буларнинг ҳаммаси ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Машиналарнинг бир неча кундуздаги бўш вақти 40—50 машина-соатни ташкил этаяпти. Бу, жуда кўп фойдаланилмаган, бекорга оқиб ўтган бўш соатлар, қурилишларга зарур бўлган, аммо етказиб берилмаган материаллар демакдир.

Бундай аҳвол билан муросасозлик қилиб бўлмайди. Заводчилар автомобиль транспортларини юк билан ўз вақтида таъминлашлари, машиналарнинг заводларда бекор туриб қолишларига чек қўйишлари керак.

Волгоградликлар жуда кўп турар жой қуриб, тошкентликларнинг кўнглини олипти. Улар қураётган уй-жойлар ўзининг қулайлиги ва пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради. Шу кунгача 496 оила волгоградликлар қурган уйлардан баҳраманд бўлишди, уларнинг саховатларига тасаннолар айтишди. Бу уйларнинг ҳаммаси давлат комиссияси томонидан қабул қилиб олинди.

Бу йил Волгоград қурилиш-монтаж поезди коллективи катта вазифани ўз зиммасига олган. Коллектив 14 минг квадрат метр объектни қуриб фойдаланишга топшириши зарур. Бу кўплаб турар жой бинолари, мактаб ва болалар боғчалари демакдир.

Автомобиль транспорти ходимлари ана шу вазифани бажаришда катта масъулиятни ҳис қилиб турибдилар. Улар қурувчиларга бир неча минг ғишт, юзлаб тонна қум, шағал, керамзит, темир-бетон етказиб беришлари керак. Бунинг учун уларга бутун заводлар ва базаларга олиб борувчи «яшил кўча» бўлиши лозим. Нимага деганда, транспорт заводларда кўп ушланиб қолмасин, қурилиш объектларига материалларни ўз вақтида етказиб берадиган бўлсин.

И. НИКОНЕНКО,
область халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

Тошкент шина ремонт заводининг меҳнатсевар коллективи бу йил республика автохўжаликлари учун 45 мингдан зиёд сифатли автошина ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Завод шиначилари ўз аҳдларининг устидан чиқиш учун шу кунларда фидокорона меҳнат қилиб, график топшириқларини анча ортиғи билан адо этмоқдалар.

СУРАТДА: тайёр шиналарни жўнатиш пайти.

БИЗНИНГ СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯМИЗ

БИРИНЧИ СОВЕТ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

БУНДАН ярим аср муқаддам, 1918 йилнинг 10 июлида Советларнинг V Бутунроссия съезди жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосий қонуни—РСФСР Конституциясини қабул қилди.

У вақтда Совет Республикаси барпо қилинганига атиги 8 ой бўлган эди. Россиянинг ағдариб ташланган эксплуататор синфлари, шунингдек Ғарбнинг ҳукмрон буржуазияси зафарли Октябрдан сўнг давлат ҳокимиятини ўз қўлига олган ишчилар ва деҳқонлар давлати узоқ вақт яшашига ишонмас эдилар. Улар Совет ҳокимиятининг қулашини кутиб турардилар. Бироқ улар пассивлик билан кутмас эдилар. Пролетар революциясини ҳалокатга учратиш учун қўлларидан келган барча чораларни кўрар эдилар. Москвада Катта театрда Советларнинг V Бутунроссия съезди ўз ишини бошлаган июль кунларида сўл эсерлар оқ гвардиячилар ҳамда баъзи чет эл миссияларининг актив мадади билан ишчи-деҳқон ҳукуматини ағдариб ташлаш ва собиқ жанобларнинг ҳокимиятини тиклаш мақсадида қуролли исён кўтардилар.

Россия халқларининг янги ҳаёт қурилишини бошлаши осон бўлмади. Лекин янги ҳаётнинг реаллигига ишонган ўн миллионлаб кишилар ҳаққоний ишнинг тантанаси учун курашга отландилар. Янги тузум куч-қудратининг, енгилмаслигининг гарови ҳам ана шундадир. Шу туфайли В. И. Ленин Советларнинг съездида ўз докладини қуйидаги сўзлар билан тугаллади:

«Заррача ҳам шубҳа йўқки, биз танлаб олган ва воқеалар тасдиқлаган йўлдан бораберсак, агар бизни тўғри йўлдан оздириш учун ўйлган гапларга ҳам, хом хаёлларга ҳам, алдашларга, жазаваси тутиб бақиришларга ҳам учмасак, у ҳолда биз мустаҳкам туриб қолиш учун, Россияда социализм ғалабасига қатъий ёрдам бериш учун ва бу билан бутун дунёда социалистик революциянинг ғалаба қозонишига ёрдам бериш учун дунёда энг катта имкониятга эга бўламиз!».

Съездда қабул қилинган Конституцияда «Россия ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг республикаси деб эълон қилинади. Марказда ва жойларда бутун ҳокимият шу Советларникидир. Россия Совет Республикаси озод миллатлар эркин иттифоқи асосида Совет миллий республикалари федерацияси сифатида таъсис этилади» деб ёзиб қўйилган эди.

Конституция кишининг киши томонидан ҳар қандай эксплуатация қилинишини тугатилганлигини эълон қилди. Бу вазифани амалга ошириш мақсадида ерга шахсий мулкчилик бекор қилиниб, ер умумхалқ мулки деб эълон қилинди. Фабрикалар, заводлар, конлар, темир йўллар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини республика мулкига айлантиришнинг дастлабки қадами сифатида ишчи контроли ҳақидаги қонун тасдиқланди.

Меҳнаткашлар учун чинакам демократик эркинликларни таъминлаш мақсадида Конституцияда газеталар, журналлар, китоблар нашр этиш ва тарқатиш учун барча техник ва моддий воситаларни ишчилар синфи ва камбағал деҳқонлар ихтиёрига бериш, мажлислар ўтказиш учун бинолар бериб қўйиш, меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотларга бирлашишлари учун уларга ҳар томонлама ёрдамлашиш каби тадбирлар кўзда тутилган эди. Меҳнаткашлар учун чинакам виждон эркинлигини таъминлаш мақсадида черков давлатдан, мактаб черковдан ажратилди. Бепул таълим олиш жорий этилди.

Совет демократиясининг туғилиши шу тариқа қайд қилинган эди. Эксплуататорлар томонидан аёвсиз эзиб келинган синфлар ана шу демократия асосида давлатни бошқара бошладилар. Тарихда биринчи марта халқ оммасининг онглилигига ва уюшқоқлигига таянадиган давлат вужудга келди.

Революцион халқ Октябрь ғалабасидан олдинроқ тузган Советлар ҳар томонлама қамраб олувчи ва энг оммавий органга айланди. Бу органлар орқали меҳнаткашларнинг кенг оммаси фаол ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этилди. Давлат, хўжалик ва маданий қурилишда, шунингдек шаҳарларда ва қишлоқларда янги, социалистик муносабатларни барпо этишда Советлар жуда катта роль ўйнади.

Совет давлати ва унинг демократик институтлари ривожланган сари унинг асосий қонуни — Конституция ҳам ривожланди ва ўзгариб борди. 1922 йилда озод халқларнинг иродаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилди. 1924 йилда СССР Советларининг II съезди янги Конституция қабул қилди ва бу асосий қонун 1936 йилга қадар амал қилиб келди. Бироқ 1935 йил февралидаёқ Советларнинг Бутуниттифоқ VII съезди бу Конституцияга сайлов системасини янада демократлаштиришга (тўла тенг бўлмаган сайловларни кенг сайловлар билан алмаштиришга, кўп босқичлилик ўрнига тўғридан тўғри сайлов ўтказиш, очиқ сайлов ўрнига яширин овоз бериш йўли билан сайлашни жорий этишга), шунингдек Конституциянинг социал-иқтисодий негизларини пухтароқ аниқлашга қаратилган ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорини эълон қилди. Мамлакатда социалистик индустрия барпо қилинганлиги, колхоз тузуми ғалаба қозонганлиги, Совет жамиятининг иқтисодий негизи — ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчилик қарор топганлиги натижасида вужудга келган синфларнинг ўзаро янги нисбатларига Конституцияни мувофиқлаштириш кўзда тутилган эди.

Бу вақтга келиб социалистик хўжаликнинг салмоғи ишлаб чиқариш воситаларининг умумий суммасида 90 процентдан ошиб кетди. Совет жамиятининг синфий состави эса қуйидагича эди: ишчилар ва хизматчилар 35 процентни, колхозчи деҳқонлар кооперацияларга бирлашган ҳунармандлар билан бирга 55 процентни, яккаҳол деҳқонлар ва кооперацияга кирмаган ҳунармандлар 6 процентни, аҳолининг бошқа қисми (ўқувчилар, ҳарбий хизматчилар ва бошқалар) 4 процентни ташкил қиларди.

Мамлакатда капиталистик элементлар қолмаган эди.

Социализмнинг ғалабаси демократик ҳуқуқлардаги ҳар қандай чегаралашларни (капитализмдан социализмга ўтиш даврида эксплуататорлар ва уларнинг малайлари ҳуқуқлари чегаралаб қўйилган эди) бекор қилиш учун шароит яратди. Советларга сайловлар вақтида ишчиларга деҳқонларга нисбатан берилган имтиёзлар ҳам бекор қилинди.

Сайловлар умумий бўлиб қолди. Барча гражданлар сайловларда тенг ҳуқуқ билан қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. Илгари ишчилар, деҳқонлар ва қизил аскарлар депутатлари Советлари деб аталиб келган Советлар 1936 йилда Советларнинг Бутуниттифоқ фавқулодда VIII съездида қабул қилинган янги Конституцияга мувофиқ меҳнаткашлар депутатлари Советлари деб атала бошлади.

Янги Конституция Совет гражданларининг СССРда социализм ғалаба қозонганлиги фактидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва бурчларини қайд этиб қўйди. Меҳнат қилиш ҳуқуқи, яъни гарантияли иш олиш ҳуқуқи, иш ҳақи тўла сақланган ҳолда дам олиш, маълумот олиш, кексаликда ёки меҳнат қобилиятини йўқотиб қўйган ҳолларда таъминланиш ҳуқуқи шулар жумласидандир.

Капиталистик мамлакатларда шахс эркинлиги ҳақида кўп гап сотадилар. Лекин ейишга бир бурда нони, ётишга жойи бўлмаган қашшоқ ишсизларда қандай шахс эркинлиги бўлиши мумкин? Капиталистик оламнинг энг бой мамлакати ҳисобланган Америка Қўшма Штатларида, расмий маълумотларга қараганда, 30 миллионга яқин қашшоқ бор экан, шахсий эркинлик ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Ниҳоят, Жанубий Африка Республикасида апертеид сиёсати ўтказилаётган экан, негр аҳолида қандай шахсий эркинлик бўлиш мумкин?

Шахсий эркинликни уни таъминловчи реал гарантиялардан ажратиб бўлмайди. Бундай гарантияни эса фақат социалистик тузум бера олади. СССРда меҳнаткашларга ишсизлик ва қашшоқлик ҳеч қандай хавф сололмайди, шу фактнинг ўзи ҳам бундай гарантияларнинг салмоқли эканлигидан далолат беради. Бу фактни Мичиган университетининг профессори, «Совет сиёсий системаси» китобининг автори Альфред Лепер ҳам тан олишга мажбур бўлди. «Совет гражданида, — деб ёзади у. — медицина чиқимлари ҳақида ташвишланишга асос йўқ. Совет экономикасининг характери ишсиз қолиш ҳақида ташвиш туғдирмайди. Ҳозирги вақтда ишчи кучига бўлган эҳтиёж индустрлаштириш программаси амалга оширила бошлаган даврдагидан ҳам кўпроқдир».

Мана, олдимизда бошқа бир китоб турибди. Бу — америкалик бир група буржуа профессорлари томонидан ёзилган «СССР 50 йил ичида. Ваъдалар ва ҳақиқат» китобидир. Китоб авторларидан бири Райт Миллер совет халқининг фаровонлигини ошириш ва соғлиқни сақлаш ишларини тубдан яхшилаш соҳасида қатъий чоралар кўрилганлиги натижасида СССРда ўртача умр 1926-1929 йилларидаги 44 йилдан ҳозирги вақтда 70 йилга етганлигига эътиборни жалб қилади. Профессор Миллер СССРда пенсия таъминоти яхши йўлга қўйилганлигига, давлат бошқа социал ва маданий эҳтиёжлар учун катта маблағ ажратаётганлигига тан бериб, Совет Иттифоқида меҳнаткашларнинг отпуска вақтига ҳақ тўлаш Ғарб мамлакатларидагига нисбатан яхши йўлга қўйилганлигини қайд қилиб ўтади. У, аҳолининг ёппасига саводхонлиги, олий ва ўрта махсус таълимнинг гуркираб ривожланаётганлиги Совет тузумининг катта ютуғидир, деб ҳисоблайди.

Совет Конституцияси хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эркаклар ва аёлларнинг тўла тенг ҳуқуқли эканлигини, барча гражданлар, ирқ ва миллатидан қатъий назар, тенг ҳуқуқли эканлигини мустаҳкамлади. СССРда 130 дан ортиқ миллат, миллий группалар ва элатлар бор. Уларнинг ҳаммаси эркин яшамоқда.

СССРда халқларнинг дўстлиги ва биродарлиги идеологияси ҳукмрондир. Таниқли инглиз олими Эдуард Карр инглиз тилида гаплашадиган кўп халқлар биродарлик идеясига сезгирроқ қарайдиган бўлиб қолган ва баъзи ирқий урф-одатларни енгиб ўтган эканлар, буларнинг ҳаммаси аввало Совет Иттифоқи кўрсатган намунанинг таъсиридир, деб тан олишга мажбур бўлганлиги бежиз эмас.

Фактлар ана шундай. Энди ўқувчининг ўзи СССРдаги ўзаро миллий муносабатларни Ғарбда кўкларга кўтариб мақташаётган мамлакат — АҚШдаги муносабатлар билан таққослайверсин. АҚШда Линч қонунлари (ҳеч қандай суд ва тергов қилмай ўлдириш), ирқий камситиш сиёсати амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни таққослаб кўрганда Америка демократиясининг башараси равшан бўлиб қолди.

Буржуазия идеологлари демократиянинг расмий белгиларини маҳкам ушлаб олиб, унинг моҳиятини тан олмайдилар. Улар парламентда бир неча партиянинг вакиллари бўлган ҳамда турли сиёсий группалар ўртасида сайлов олди жанглари бўлиб турадиган жойдагина демократия бор деб ўйлайдилар.

«Лекин сизларда фақат битта—коммунистик партия бор,—дейишади Совет демократиясининг мухолифлари.—Демократия учун эса парламентда депутатлик ўринлари учун курашадиган бир неча партия бўлиши керак».

Тўғри, СССРда бир партиялик системаси мавжуддир. Бундай система коммунистларнинг иродаси билан эмас, балки объектив тарихий шароит тақозоси билан вужудга келгандир. Тарихий шароит тақозоси билан Совет тузумига қарши бўлган бошқа ҳамма партиялар ижтимоий-сиёсий майдондан тушиб кетди.

Бироқ, у ёки бу системанинг қандай даражада демократиклиги партияларнинг сони билан эмас, балки гражданларга берилган реал моддий ва сиёсий имтиёзлар, уларнинг давлатни бошқаришда ҳақиқий иштироки билан белгиланади. Совет Иттифоқида меҳнаткашлар депутатларининг Советларига 2 миллиондан кўпроқ киши сайланади. Бундан ташқари Советлар ҳузуридаги доимий комиссияларда бир неча миллион совет граждани ишламоқда. Умуман 20 миллиондан ортиқроқ киши Советларнинг активидир.

Коммунистик партия меҳнаткашлар депутатлари Советлари ўз фаолиятининг демократик негизларини муттасил кенгайтириб бориши учун тегишли чораларни кўрмоқда. Шунингдек, касаба союзлари, ёшларнинг коммунистик союзи ва бошқа оммавий ташкилотлар Совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида ўз роли ва активлигини ошириб боришидан партия манфаатдордир. Коммунистлар партияси коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга социалистик демократияни бутун чоралар билан ривожлантириш йўли билан борилади, деб ҳисоблайди ва партиянинг, Советларнинг, меҳнаткашлар бошқа ташкилотларининг бутун фаолияти ана шунга қаратилгандир.

Меҳнаткашлар бир тўда бойларга эмас, балки Совет Иттифоқидаги каби бутун халққа хизмат қиладиган демократия олишни истайдилар. Буржуазия социологлари ва реакционерлари ҳар қанча уринмасинлар, Совет социалистик демократиясининг буюк прогрессив кучини яшира олмайдилар.

Степан **ТИТАРЕНКО,**
тарих фанлари доктори.
(АПН)

ЖАҲОН ОЙНАСИ

- Гренландияда очилаётган сир
- Археологик топилдиқлар
- Худоларнинг ҳайкалчалари

ГРЕЦИЯДА ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК

„Эскирган ва бузилган иқтисодий машина жамият фойдаси учун соғайтирилсин...» Греция хунтасининг бошлиғи полковник Пападопулос Патрас шаҳрида сўзга чиқиб, ана шундай шиорни ташлади. Ҳозирги Греция ҳукмронларининг безовталанишига асослар етарли. Ахир улар қарийб бир ярим йилдан бери иқтисодий машинани «соғайтириш» учун уриниб келмоқдалар.

Ишсизлик шунчалик тез ўсиб бормоқдаки, хунтанинг ўзи ҳам мамлакатда ишда банд бўлганларнинг ҳамма ерда камайиб кетаётганидан ваҳимага тушмоқда.

Ҳукумат саноатчиларни қонун бўйича махсус бериб қўйилган узоқ муддатли имтиёзлардан фойдаланиш истагини билдирмаётганликлари учун айбламоқда. Саноатчиларнинг бундай муносабатлари диктатуранинг келажагига ишонмаётганликларидан келиб чиқади. Кун сайин ёмонлашиб бораётган иқтисодий аҳвол уларни чўчитмоқда. Пулнинг қадрини ошириш учун муомаладаги пулларнинг миқдорини камайтириш сиёсати, тежаш режими, ишдан бўшатишлар ва сиёсий барқарорликнинг йўқлиги истеъмол бозорини қисиб қўйди. Турғунлик майда савдони қамраб олмоқда.

Асосий сектор бўлган қурилиш тангликка тушиб қолди. Англияда чиқаётган «Экономист» номли журнал рўй берган бу аҳволни шундай тушунтириб беради: «Қарама-қарши иқтисодий чоралар серияси саросималикка ва ноаниқликка олиб келди. Бу аҳвол хусусий капитал сарфлаш ва индивидуал харид қилишларнинг кескин камайиб кетишида акс этди». «Морнинг стар» қуйидаги маълумотларни келтиради: «Ҳарбий ҳукумат бир қисм маошларни пул билан эмас, балки тилхат тариқасида беришни буюрди. Бу тилхатлар магазинлардан фақат озиқ-овқат ва кийим-кечак сотиб олишда фойдаланилиши мумкин.

Аҳолини мол харид қилишга мажбур этиш йўли билан бозорни жонлантиришга тўғри келгандан кейин мамлакат экономикаси ачинарли аҳволга тушиб қолгани кўриниб турибди.

Шу вақтнинг ўзида хунта ҳарбий харажатларни кескин оширяпти. 1967 йилда бу харажатлар 9 миллиард драхмага етди. Ҳолбуки, 1966 йилда 7 миллиард драхм эди. Хунта тарғиботчиси бўлган «Эстиа» газетаси яқинда: «Греция АҚШ ишончига лойиқ мамлакатдир, у НАТО доирасида ҳатто социал сиёсат соҳасида фойдаланиш учун мўлжаллаб қўйилган фондни харж қилиш йўли билан бўлса ҳам қуролланиш суръатини оширишга тайёр турибди» деб ёзди. Табиийки шу билан бирга 1968 йилда солиқ тўловчилар сони қарийб 40 процентга кўпайди. Хунтанинг бунақа «муваффақияти»ни молия министри ўринбосарининг солиқ органларига солиқ кодексини бузишда кўринган ҳар бир айрим ходиса бугундан бошлаб фавқулодда ҳарбий трибунал томонидан қараб чиқилади, деб ёзган фармойиши билан изоҳланиши мумкин.

Шундай қилиб бекик доира юзага келади. Халқ эртаги кунга ишонмайди ва ишсизликдан қўрқади, пулини сарфламаслик, яна қорароқ кунларга сақлаш учун ҳаракат қилади. Саноатчилар эса истеъмол бозорининг қисилиб қолишига дуч келиб, ўз капиталларини хавф остида қолдириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфлашни истамайдилар. Ҳукумат бу қаршиликларни енгишга кучи етмаганидан кейин: «Агар сизлар (грек саноатчилари Т. Ф.) деди Греция банкаси бошқарувчисининг ўринбосари Танос,— капитал сарфлаш учун қарз олишни истамасангиз бизлар бу имтиёзларни ўша мақсадларда чет элликларга нима учун бермас эканмиз!» деб айтди.

Мавжуд иқтисодий танглик ҳозирги режимни сиёсий халокатга олиб бормоқда.

Тасос ФАКЬОЛАС.
(АПН).

БЕРЛИН. ГДР пойтахтида қурилишлар авж олган. Уй-жой фондини кенгайтириш билан бирга шаҳар маркази реконструкция қилинмоқда. СУРАТДА Александрплац майдонини жиҳозлаш ишлари авжида.

АДН—ТАСС фотоси.

Африка мамлакатлари янгиликлари

Маънавий озодлик

КОНАКРИ. Гвинея Демократик партияси ўзининг VIII миллий съездида 1970 йилгача Гвинея ерида саводсизликни тугатиш шиорини ўртага ташлади. Бутун мамлакатда саводсизликни тугатиш компанияси кенг қулоч ёйди. Бунда ўқиш ва ёзишни ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Шу мақсадда ҳатто энг олис қишлоқларда ҳам ишчи комиссиялари тузиляпти.

Саводсизликни тугатиш миллий компанияси олиб бораётган бу иш Гвинея халқини мустамлакачиликдан батамом озод қилиш йўлидаги янги қадам бўлади.

Қишлоқ активлари

ТАНАНАРИВЕ. Малагас республикасининг қишлоқ хўжалигида мамлакат аҳолисининг 85 проценти банд. Деҳқонлар йиғилишларида қишлоқларнинг вакиллари сайланади, сўнг улар қишлоқ хўжалик билимларини тарқатувчи марказларда 15 кунлик курсда ўқишади. Шундан сўнг улар олган билимларини ўз қишлоқларида оммалаштириш бўйича актив бўлиб қоладилар. Беш йил давомида мамлакатнинг шундай 70 та марказида 25 минг актив тайёрланди.

Мемфисда янги топилдиқ

ҚОҲИРА. Яқинда археологлар Бирлашган Араб Республикаси пойтахтидан 13 километр масофада қадимий Мемфис шаҳри ўрнида ғиштин деворлар билан ўралган мақбара пойдевори қолдиқларини топишди. Худди шу ердан эрамиздан олдинги 663—343 йиллар ўртасидаги даврга тегишли бўлган ҳайкалчалар ҳам топилди. Улардан бири ҳосилдорлик худоси Озирис, иккинчиси улуғ худо Мемфис Амон ҳайкалчасидир. Ана шу қазилмалардан унча узоқ бўлмаган жойда муқаддас буқаларнинг суяклари ва балзамларидан иборат ташлама ҳам борлиги аниқланди. Археологлар бу ташламани катакомбага— муқаддас ҳайвонлар кўмиладиган жойга киришни кўрсатувчи белги деб ҳисоблашмоқда.

(АПН).

Сэм амакининг «совғаси»

ДАНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИ ГРЕНЛАНДИЯДА ХИМИК ВА БАКТЕРИОЛОГИК ҚУРОЛЛАР СИНОВИГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК БИЛДИРЯПТИ

ДАНИЯ пойтахти Копенгаген кўчаларидаги мева ва сабзавот дўконлари ёнидан ўтаётиб, мен беш минут давомида икки марта харидорларнинг кинояли, шу билан бирга ташвишли луқмаларини эшитдим. «Хойнаҳой бу маҳсулотлар Гренландияда етиштирилмаган бўлса керак?» Даниянинг ороли бўлган Гренландияда америкаликлар биологик ва химик қуролларни бир неча бор яширин синаб кўрганлиги ҳақида газеталарда босилган хабарлар бундай саволларга асос бўлган. Газеталар бу материалларда Америка ёзувчиси Сеймур М. Хершнинг яқин кунларда босмадан чиқадиган китобидаги фактларга мурожаат қилишади.

Узоқ йиллар давомида Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Пентагон қошидаги мухбири бўлиб ишлаган бу китоб автори америкаликлар биологик ва химик қуролларни синаб кўрганлиги тўғрисидаги маълумотни «жуда ишончли манбалардан» олинди деб маълум қилади.

✦

Дания ҳукумати норозилик тўлқинларининг кучайиб бораётганлиги муносабати билан АҚШга музокаралар учун бораётган ташқи ишлар министри Х. Хартлингга матбуотда тарқалиб кетган маълумотларнинг рос-ёлғонлигини аниқлашни топширишга мажбур бўлди.

АҚШ Мудофаа министри вакилининг берган раддияси бортида водород бомбаси олиб юрган Америка бомбардимончи самолётининг ҳалокати ҳақидаги таассуротлари ҳали сира эскирмаган Дания жамоатчилигини тинчлантира олмади. Ахир ўшанда ҳам Пентагон бу ходисани кўрганларнинг берган маълумотларини бекорга чиқариш учун, Америка «ажал ташувчилари» Гренландия устида учмаяпти деб тасдиқламоқчи бўлган эди. Америка пропаганда машинаси кейинчалик жаҳон ва Дания жамоатчилигининг фикрини парчаланиб кетган бомба Гренландияда радиоактивликни анча-мунча бўлса ҳам кучайтирмади, деб чалғитмоқчи ҳам бўлди.

Дания жамоатчилиги Америка ҳарбийлари Гренландияда биологик ва химик қуролларни синаб кўраётганлигидан жиддий ташвишланмоқда. Америка қўшинларининг Гренландиядан олиб чиқиб кетиш ва Даниянинг Шимолий Атлантика блокидан чиқиши ҳақидаги талаблар тобора қатъийроқ бўлмоқда.

Л. МАЛОВ,
АПН мухбири.
Копенгаген, июль.

Морис КЕЙН

- Мамлакатлар, одамлар, одатлар

ХАРИДЖОНЛАР БОШ КЎТАРМОҚДА

Бир одам беомон ҳинд қуёши куйдирган йўлдан бормоқда.

Бу одамнинг исми Тиркха. Унинг қадди букилган, кўзлари ялтирайди. У кўп йиллар давомида тўйиб овқат емаган кишилар каби ориқлиги билан ажралиб туради. Тиркха сояси тушиб, уйларни макруҳ қилиб қўймаслиги учун кўчанинг ўртасидан эҳтиёткорлик билан бормоқда. У яқинлашиши биланоқ йўловчилар йўқ бўлиб қолади, рўпарадан чиқиб қолганлар унга назари тушмаслиги учун тескари қарайди. Мана уй остонасида ўйнаётган икки бола уни кўриб қолди. Улар даҳшатдан қичқириб юбордилар ва бу ўз оёғи билан юрадиган ифлосликни кўрган кўзларини ювиб ташлашга шошиладилар.

Ҳолбуки бир қарашда Тиркха қишлоқдаги бошқа кишилардан фарқ қилмайди. Унинг танаси бошқаларникига қараганда қорароқ ҳам эмас, букир ҳам, махов ҳам эмас. Бироқ ҳамқишлоқлари назарида у Ҳиндистоннинг шаҳар ва қишлоқларида тарқоқ ҳолда яшовчи лаънат тамғаси босилган 70 миллион кишидан биридир. Тиркха — кастага мансуб бўлмаган киши, тубан табақа одами.

Қуёш кўчани куйдирмоқда. Тиркханинг лаблари ташналикдан ёрилиб кетган. Енгинасида қудуқ бор, унинг атрофида хотин-халажлар уймалашиб юришибди. Лекин у бу қудуқдан бир томчи ҳам сув ололмайди. Бу қудуқдан сув ичиш унинг хаёлига ҳам келмайди. Ҳамма фойдаланадиган қудуқ унинг бобоси, отаси учун берк бўлганидек, унинг ўзи учун ҳам берк. Кўп асрлардан буён шундай.

Тиркха бўшаб қолган кўчадан йўлини давом эттиради. Агар у бирортасининг ошхонасига кирса, уй бекаси ошхонадаги ҳамма идиш-товоқларни ташлаб юбориши керак. Лаънат тамғаси босилган кишининг назари тушган идишдан овқат еб бўлармиди? Шу сабабли баъзи қишлоқларда «дахлсиз»ларни махсус ажратиб қўйилган кўчалардан юришга мажбур қиладилар.

«Дахлсиз» — қуйи табақа кишиси билан гаплашиш катта гуноҳ, унинг назари фалокат, нафаси касаллик келтиради. Ошхоналарнинг эшиклари унинг олдида бекилади, чойни ҳам махсус пиёлага қуйиб берадилар. Сартарошлар унинг сочини олишдан бош тортадилар. Ҳатто худо ҳам улардан юз ўгиради: «дахлсиз»нинг ибодатхонага киришга ҳақи йўқ.

Тиркха қишлоқдан ўтиб, тошларга қоқиниб, бир четдан кетабошлади. Мана, ниҳоят шу ерлик «дахлсизлар» яшайдиган кулбаларга етиб келди. Ҳиндларнинг деярли ҳар бир қишлоғи биқинида бошқалар қадам босмайдиган квартал бор. Бу ерда Тиркханинг похолдан ясалган уйи бор. Бунда Тиркха ўзини бахтли ҳисоблайди. Чунки бошқа қишлоқларда уй солишга рухсат бермасликлари мумкин.

Тиркха ўз уйида кимлигини унутиб, оғир меҳнатдан дам олиши мумкин. Тиркха катта бобоси, бобоси ва отаси каби ахлат йиғади. Унинг аждоди асрлардан буён қишлоқни ифлосликлардан тозалайди. «Дахлсиз» лар бошқа кишилар ўзлари учун ҳақорат деб биладиган тери ошлаш, шиппак тайёрлаш, чуқурларни тозалаш каби ишлар билан шуғулланадилар. Баъзан улар бир парча ерга эга бўладилар. Бироқ каста аъзолари ҳар қанча оч қолган тақдирда ҳам «дахлсиз» етиштирган маҳсулотни сотиб олмайди.

Тиркха ўзининг паст ва қоронғи уйига киради. Уни ўзи каби «дахлсиз» хотини кутиб олади. Унинг рўмоли ҳеч қандай безак билан безатилмаган. бундай қилишга ҳаққи йўқ. Яланғоч болалар отанинг оёқларига ёпишадилар. Уларнинг кўриниши қишлоқ болаларининикидан тузукроқ. Гап шундаки, «дахлсизлар» каста аъзоларига нисбатан яхшироқ овқатланадилар. Чунки улар ҳаром деб ҳисобланган нарсаларни, ҳатто ўлган сигирларни ҳам истеъмол қилаверадилар. Касталар уларни ўлимтикларни йиғишга мажбур қилганлар. Ҳар қанча «ҳаром» бўлса ўлган мол ҳам овқатда.

КАСТАЛАР СИСТЕМАСИ

Тиркха аллақачоноқ ўз тақдирига тан берган. Бундай тақдирни у табиий деб билади. Қуйи табақадан экан, яна қандай гап бўлиши мумкин. Дуч келиб қолсангиз у сизга йўл бўшатади. Агар садақа сўраса ҳам икки кафтини очиб туради, сиз унга узоқдан танганн ташлашингиз мумкин. Балки сиз чет элликдирсиз, унинг қуйи табақа кишиси эканлигини ажрата олмаётгандирсиз. Лекин буни унинг ўзи яхши билади.

«Дахлсизлик жиноий янгиликдир,—деган эди Ганди.—Муқаддас китобларда бу ҳақда бир оғиз ҳам сўз йўқ. Бу индуизм танасидаги чириган ўсимтадир».

Индуизм аввало касталар системасидан иборат. Одамлар орасидаги бундай бўлинишни бир вақтларда Ҳиндистонни босиб олган халқларнинг Ману қонуни мустаҳкамлаган. Индуизм пирамидасининг негизида чудра— ҳунармандлар ёки деҳқонлар кастаси, уларнинг устида эса вайшия—савдогарлар ва турли-туман корчалонлар кастаси туради. Ундан юқоридаги қаватда шатрия—жангчилар кастаси жойлашган. Пирамиданинг энг юқорисида худо билан сўзлашиш, ибодат қилиш, қурбонлик қилиб, муқаддас китобларни ўқиш ва у ҳақда мулоҳаза юритиш ҳуқуқи берилган брахманлар кастаси туради. Пайдо бўлиш давриданоқ бу касталар жуда мустаҳкам, бошқа каста аъзолари кира олмайдиган бўлиб, авлоддан-авлодга шу тариқа ўтиб келган ҳамда каста аъзоларида унинг аъзоси бўлмаган кишиларга нисбатан менсимаслик туйғулари юзга келган.

Философлар бундай бўлинишни олам ҳақидаги метафизик тасаввурнинг инъикоси деб ҳисоблайдилар. Метафизик тасаввурларга кўра, ҳар бир мавжудот оламда ўзининг маълум жойини эгаллайди ва жаҳонни ўзгартиришга ҳаққи йўқ. Бундай бўлиниш одамлар орасидаги табақанинг тимсолидир: одамлар қўпол материя билан доимий алоқада яшайдиган оммадан дунёвий ишлардан кечиб юборган брахманлар даражасигача турли табақаларга бўлинди.

Вақт ўтиши билан авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолувчи профессионал ихтисос таъсирида ҳар бир каста аста-секин жуда кўп кичик касталарга ажралиб кетган ва бу кичик касталар ўз тўдалари манфаатлари билан мустаҳкамланган. Бундан 2000 йил муқаддам Ҳиндистонда ҳар бир кичик каста маълум бир ҳунар билан шуғулланган. Дунёда нечта ҳунар бўлса, Ҳиндистонда шунча кичик каста бор. Масалан, тик туриб идиш тайёрлайдиган кулоллар ўтириб олиб, кичик идиш тайёрлайдиган кулоллар билан аралашмайди.

Инсон маълум бир кастада туғилади, уни ўзи танлаб олмайди. Шу билан бирга бир умрга маълум қатъий ҳуқуқ олади, маълум бурчи, урф-одати бўлади. Каста ҳиндларни бурчлар доирасига киритибгина қолмай, уни бутун умри давомида қўллаб-қувватлаб келган. У каста орқали жамиятдан ўз ўрнини топган ва яшаган. Буларнинг ҳаммаси Ҳиндистон жамиятига ажойиб барқарорлик бахш этган ва бу жамиятнинг ҳар қандай қийинчиликлардан ўтишига имкон берган.

«Индуизм каста системаси туфайлигина парчаланиб кетмаган»,— деган эди Ганди.

Лекин кастачилик турли касталар ўртасида никоҳни таъқиқлайди. «Ётлар» билан биргаликда овқатланишни таъқиқлайди. Ҳар бир кастанинг ўз қонун-қоидалари, урф-одатлари бор. Собиқ сипойчи полкларнинг британиялик офицерлари, нечта солдат бўлса, шунча қозон керак, дейишарди. Чунки солдатлар овқатнинг «макруҳ» бўлишидан қўрқиб, ҳар бири алоҳида-алоҳида овқат пишириб ер эди.

(Давоми бор).

Ерда ҳаёт борми?

А. БУХВАЛЬД УЗИНИНГ «ЕРДА ҲАЕТ БОРМИ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИДА АМЕРИКАДАГИ ҲАЕТНИ ТАНҚИД ОСТИГА ОЛАДИ

Шу ҳафтада Венера планетасида одатдан ташқари жонланиш бўлди. Венералик олимлар биринчи марта Ер планетасига сунъий йўлдошни қўндиришга муваффақ бўлишди. Ҳозир бу сунъий йўлдош қўнган жойидан сигналлар ва фотосуратлар юбормоқда.

Йўлдош Манхэттен Нью-Йоркнинг марказий районига (бу жойни 200 минг нур йили муқаддам телескоп ёрдамида аниқлаган улуғ астроном — венералик профессор Манхэттен номига қўйилган) қўндирилди. Об-ҳавонинг жуда қулай бўлганлиги ва йўлдош тарқатаётган сигналнинг жуда кучлилигидан Венера олимлари Ерга бошқариладиган учар тарелкаларни қўндириш мумкинлиги ҳақида қимматли ахборот олишди. Венера Технология институтида бу воқеага бағишланган пресс-конференция чақирилди.

— Йўлдошимизнинг ўтган ҳафтада Ердан юборган маълумотларига асосланиб, —деди профессор Зог, — биз Ерда ҳаёт йўқ деган хулосага келдик.

— Бу хусусда қандай конкрет фактларингиз бор? — сўради Венера «Ивнинг стар» («Кечки юлдуз») газетасининг илмий мухбири.

— Биринчидан, Манхэттен районида ер юзаси мустаҳкам бетон билан қопланган. Бу эса у ерда бирон-бир ўсимлик ўсмаслигини кўрсатади. Иккинчидан, у ернинг атмосфераси карбонат ангидрид ва ҳаёт учун хавфли бўлган бошқа газлар билан шунчалик тўлганки, бирор кимсанинг бу ҳаводан нафас олиб тирик қолиши гумон.

— Учирилиши белгиланган учар тарелкаларга бу фактлар ҳисобга олиниб бирор янгилик киритилдими?

— Бу ердан ўзимиз билан кислород ҳам олишимиз керак бўлади. Натижада тарелканинг вазни дастлаб белгиланганидан анча ортиқ бўлади.

— Космонавтларингиз учун бошқа хавфлар ҳам туғиладими? Бу хусусда қандай фактларингиз бор?

— Мана бу суратга қаранг. Ер устида осилиб турган мана бу қора булутларни кўраяпсизми? Биз бу булутларни «Консолидейтед Эдисон» АҚШдаги йирик коммунал хизмат кўрсатиш компанияси пояси деб атаймиз. Бу пояснинг таркиби нималардан иборат эканлиги бизга маълум, лекин у, эҳтимол, кўп бахтсиз ҳодисаларнинг манбаи бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун биз у ерга бирор кимсани юборишдан олдин қўшимча тадқиқотлар олиб боришга мажбур бўламиз. Мана бу ердан эса, афтидан, дарё оқади. Бироқ, йўлдошимиздан олинган маълумотга кўра бу дарёнинг суви жуда бўлғанган ва ичишга яроқсиз. Сувни ҳам ўзимиз билан бирга олишимиз керак бўлади. Учар тарелканинг оғирлиги яна кўпайди.

— Сэр, бу суратлардаги қора нуқтачалар нима?

— Аниқ билмаймиз. Бу доғчалар металлдан ясалганга ва улар маълум йўналиш — йўлларда газ чиқариб, атрофни шовқинга тўлдиришиб, баъзан бир-бирлари билан тўқнашиб борадиганга ўхшайди. У ерда йўллар ва металлдан ясалган нарсалар шунчалик кўпки, улар тарелканинг бу доғчалардан бирига тўқнашмасдан қўниши амри маҳол.

— Мана бу ерда қандайдир сталактит (ғор тагида томчилардан ҳосил бўлган сумалаксимон оҳак ва бошқа минерал қотишмалар) дўнгчалар чиқиб турибди. Булар нима?

— Булар қандайдир тошсимон нарсалар. Тунлари улар ёруғлик таратишади. Профессор Глом уларни осмон ўпар уйлар деб атади.

— Агар айтганларингизнинг ҳаммаси тўғри бўлса, ичига венералик тушган учар тарелканинг учирилиши бир неча йилга кечиктирилмайдими?

— Ҳа, тарелканинг учиши кечикади. Бироқ, «Грабстарт» бизга қўшимча маблағ ажратиши билан тадқиқотларимизни қайтадан бошлаймиз.

— Профессор Зог, агар Ерда ҳаёт йўқ бўлса, нега биз у ерга венераликнинг қўниши программасига мислсиз маблағлар сарфламоқдамиз.

— Чунки, агар биз венераликлар Ер атмосферасидан нафас олишга ўргансак, Оламнинг ҳар қандай қисмида яшай оламиз.

«За рубежом» дан.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПАРИЖ, 8 июль. (ТАСС). Бугун Париж чеккасидаги Нантер деган жойда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми очилди.

Пленумда Франция Компартиясининг Бош секретари Вальдек Роше сиёсий аҳвол ва партиянинг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ ОБЛАСТЬ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ПРАГА, 8 июль. (ТАСС). Бир неча кун давомида Чехословакия Социалистик Республикасида Чехословакия Коммунистик партиясининг фавқулодда область конференциялари бўлиб ўтди. Бу конференцияларда мамлакатдаги ҳозирги сиёсий аҳвол, съезд олди даврида область партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди ва Чехословакия Компартиясининг шу йил сентябрь ойида бўладиган фавқулодда съездига делегатлар сайланди.

Конференциялар ишида Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг вакиллари иштирок этдилар.

ШВЕЦИЯ. Стокгольм кўчаларидан бири. Бу кўча ҳар доим одамлар билан гавжум бўлади. Сиз суратда (ўнгда)—«Концерт зали»ни кўриб турибсиз.

И. Синицин фотоси,
АПН.

Рейкьявик. Исландия аҳолиси 24 июнда мамлакат пойтахтида очилган НАТО Совети сессияси қатнашчиларини НАТОга қарши намойиш ва митинглар билан кутиб олди.

СУРАТДА: Шимолий Атлантика блоки Советининг сессияси мажлис ўтказаётган университет биноси ёнида намойишчилар.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

Душанба. Тожикистон Фанлар академиясининг ям-яшил ботаника боғи ўртасида ойна ва пўлатдан қурилган кўчатзор қад кўтарди. Бу мамлакатимиздаги энг йирик ва Урта Осиёдаги биринчи экватор мамлакатлари Осиё, Африка, Америкадан келтирилган яшил ажойиботлар саройидир. Ленинградлик архитекторлар томонидан лойиҳаси тузилган бу кўчатзорнинг майдони 1200 квадрат метр, асосий корпусининг баландлиги 29 метр (чапдаги суратда).

Душанба кўчатзорига Тинч океан соҳилларидан келтирилган 800 хил тропик тиконли кактус ва бошқа ўсимликлар биринчи меҳмон бўлди. Бу ўсимликлар Москва, Ленинград, Киев ва чет эл олимларидан ўзларининг тожикистонлик касбдошларига совғадир. Унг томондаги суратда сиз Жанубий Японидан келтирилган 200 ёшли саговник ёнида старший илмий ходим О. Г. Степаненкони кўриб турибсиз.

Тожикистон ўсимликлар саройи фақатгина табиат шайдоларининг зиёратгоҳи бўлиб қолмай, балки энг асосий илмий тадқиқотларнинг маркази ҳам бўлиб қолади. Бу ерда ўсимликшунослар тропик иқлимидан келтирилган кўпгина қимматли ўсимликларни иқлимлаштириш билан банд.

Р. Нетелев фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ БОШ ШТАБИ УРУШ ЙИЛЛАРИДА

СССР Мудофаа министрлиги ҳарбий нашриёти чиқараётган ҳарбий мемуарлар кутубхонаси яқинда янги китоб билан бойиди. Армия генерали С. М. Штеменконинг «Бош штаб уруш йилларида» номли хотиралари босмадан чиқди. Бу 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида СССР Олий Ҳарбий бошқарув органларининг фаолиятини ёритиб берувчи тарихшуносликда дастлабки китобдир.

Китоб автори деярли бутун уруш даврида Совет Қуролли Кучлари Бош штабининг оператив бошқармаси бошлиғи лавозимида турган ва Совет Армияси томонидан ўтказилган барча муҳим операцияларни ташкил этиш ва планлаштиришга бевосита иштирок этган. Шу туфайли мемуарлар автори Бош штабдаги ва Олий Бош Қўмондонлик Ставкасидаги аҳволни характерлаб берувчи кўпгина қизиқарли деталларни келтиришга муяссар бўлди.

Биринчи бобда автор конкрет мисоллар келтириб, мамлакат ва унинг Қуролли Кучлари уруш олиб боришга тайёрлик даражасини характерлаб беради. Уруш арафасида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан мамлакатнинг мудофаа қобилиятни кучайтириш бўйича ўтказган жуда катта ишларни таҳлил қилар экан, С. Штеменко уруш бошланган даврда Совет қўшинларида аҳволнинг қийинлиги сабабларини айтиб беради.

Кейинги боблар Бош штабнинг юз берган оператив стратегик аҳволни ўрганиш, мақсадга мувофиқ тадбирларни тайёрлаш, қўшинларга жанговар вазифалар қўйиш ва уларнинг ижросини контроль қилишни ташкил этиш бўйича қайноқ фаолиятига бағишланган. Китобда Бош штабнинг оператив бошқармаси иши ҳақида муфассал ҳикоя қилинади, Гитлер Вермахтининг тор-мор қилинишига олиб келган энг муҳим ҳарбий операцияларнинг анализи берилади.

Ҳарбий операцияларни тасвирлаш билан бирга автор уруш даврида Бош штабда ва ҳаракатдаги армияда раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган Совет Армиясининг кўпгина генераллари ва офицерлари тўғрисида сермазмун характеристика беради. Б. М. Шапошников, А. М. Василевский, А. И. Антонов, Г. К. Жуков ва бошқалар шулар жумласидандир.

Китобда уруш йилларида Бош штабнинг кечаю-кундуз тўхтовсиз ишлашини кўрсатишга, фронтлардан келаётган маълумотларни умумлаштириб, вазият ҳақида Олий Бош Қўмондонга докладлар тайёрловчи ходимларнинг беқиёс меҳнатини акс эттиришда катта ўрин берилган. «Олий Бош Қўмондонга,— деб ёзади С. Штеменко, — ҳар кеча-кундузда уч марта доклад қилинарди. Уларнинг биринчиси кундуз соат 10-11 да одатда телефон орқали берилларди. Бу менинг ҳиссамга тушарди. Кечкурун соат 16—17 да эса Бош штаб бошлиғининг ўринбосари доклад қиларди. Кечаси эса сутка бўйича якунловчи доклад билан Ставкага борардик».

Докладлар пайтида Олий Бош Қўмондондан ташқари ВКП(б) Марказий Комитетининг аъзолари ва Ставка аъзолари иштирок этишар эди. Қўшинларга бериладиган топшириқлар кўп ҳолларда Ставканинг ўзида тузиларди. Сталин айтиб турарди, оператив бошқармасининг бошлиғи Штеменко ёзиб борарди. Шундан сўнг у овоз билан ўқиб чиқилиб, асл нусханинг ўзига зарур тузатишлар киритилар ва қўл ёзма машинкада кўчирмасдан, яқинда жойлашган алоқа узелининг аппаратхонасига келиб тушар ва дарҳол фронтларга берилар эди.

Совет қўшинларини бошқаришга таалluқли бўлган баъзи ҳужжатларнинг тўла тексти биринчи марта Штеменко китобида босилмоқда. Булар ҳарбий тарихчилар учун ҳам, кенг китобхонлар оммаси учун ҳам жуда қизиқарлидир. Чунки улар ҳаракатдаги армия қўшинларига стратегик раҳбарлик қилишнинг мураккаб лабораториясини очиб беради.

Китоб автори иттифоқдош давлатлар бошлиқларининг Теҳрон ва Ялта конференциялари иштирокчиларидан биридир. Китобда келтирилган «Катта учлик» конференцияси билан боғлиқ бўлган фактлар Сталин, Рузвельт ва Черчил ўртасидаги расмий суҳбатлар тўғрисидаги ҳикоялар истисносиз қизиқарлидир.

Автор фактларга ва ҳужжатларга асосланиб, иккинчи жаҳон уруши тарихининг буржуа фальсификаторлари ни, фашистлар Германияси ва япон милитаристларини тор-мор қилишда Совет Иттифоқининг ролини камситишга уринувчиларни фош қилади.

Квантун армиясининг тор-мор қилиниши ва Японияининг таслим бўлишини тасвирлар экан, С. Штеменко бу компанияни тайёрлаш ва ўтказишнинг барча жараёнларини таҳлил қилади. Қўшинларни ғарбдан Узоқ Шарққа ташлаш, ҳужумга ўтиш районларида уларни тўплаш, ҳужум операцияларини планлаштириш, қуруқликдаги қўшинларнинг Ҳарбий Денгиз Флоти билан ҳаракат бирлигини ташкил қилиш ёритиб берилади.

Армия генерали С. М. Штеменконинг хотиралари СССР олий ҳарбий бошқарувининг герман ва япон Бош штабларидан устунлигини тасдиқловчи ёрқин мисолларга жуда бой. Китоб зўр қизиқиш билан ўқилади.

Яков ГОРЕЛИК,
ҳарбий фанлар кандидати, запасдаги полковник.

(АПН).

САКСОН ОТА ШАҲАР КЕЗАДИ

КЎЧАЛАР ТЎЗОНДА

Қайси куни ўртанчи невараминикига йўлим тушиб қолди. Невара келиним курортдан қайтиб, уйга сўроқлаб келса, йўқ эканман: маҳалланинг мажлисига чиқиб кетган эдим. Ишлик одам, ҳадеб овора бўлиб юрмасин, ўзим кўриб кела қолай дедим.

Неварам Қашқар маҳалладан, шундоққина анҳорнинг яқинидан уй олган. Бориб, ақлим ҳайрон қолди. Зилзиладан кейин Анҳор билан Алай бозор ўрталиғидаги бутун даҳа теп-текис бўлиб кетган эди. Умримдан барака топгур қурувчилар осмон баравар уйларни чунонам қаторлаштириб ташлашибдики, ич-ичимдан қувониб кетдим. Киройи иш деган мана бундоқ бўптида!

Локин трамвайдан тушишим билан кайфим бузилди. Навоий кўчасини кесиб ўтишим билан ҳамма ёқда булутдай чанг осилиб ётибди. Худди каттакон тоғ ағдарилгану, чанг-тўзон ҳали-вери босилмайдиган. Унинг устига-устак турнақатор машина ўтиб турибди. Беш қадам нарини кўриб бўлмайди.

Туртиниб-суртиниб эллик қадамча юрган эдим, нафас ололмай қолдим. Охири сабрим чидамади, битта машинани тўхтатдим, ёшгина шофёр бола кабина деразасидан бошини чиқариб сўради:

— Хўш?

— Сал секинроқ ҳайдасанг б ў л м а й д и м и, болам,—дедим йўталдан томоғим бўғилиб.— Тўзондан ҳеч нимани кўролмай қолдим-ку.

Шофёр бола моторни гуриллатиб тўнғиллади:

— Битта менми? Секинроқ юрсам, ойликни ким тўлайди?

Кетди. Яна ўша-ўша чанг-тўзонда қолдим.

Нуридийдал а р и м! Бир бурда нон тупроқда ётган бўлса, кўзимизга суртиб, чеккага олиб қўямиз. Қанча-дан-қанча одамларнинг пешона тери билан қурилган уйлар тўзон ичида қолса, нега юрагимиз ачишмайди? Кечагина неварам кўчиб кирган уй бугун мағзава солинган жомашовга ўхшаб қолибди-ку.

Тошкентдек шаҳри азимда чанг босган кўчалар озми? Қашқар даҳасидаги деярли ҳамма кўчалар, олий милиция мактаби билан ўрта милиция мактабининг қоқ ўртасидан ўтган кўча, Дзержинский, Титов кўчаларига одам боласи оёқ босолмайдиган бўлиб қолибди-ку. Буларга кунда бир-икки марта машинада сув сепган билан юқ бўлармиди?! Дуруст, ҳозир саратон, кун иссиқ, чанг кўтарилмай иложи йўқ. Лекин одам қилолмайдиган иш йўқ-ку, жаҳонда.

Ёдимда, зилзиланинг биринчи кунлари кўчаларнинг чекка-чекасига кўтарма қувурчалар қўйилган, машиналар шу қувурчалар тагидан ўтиб, «ювиниб» оларди. Қани ўша қувурлар? Наҳотки уй қуриш учун қириб ташланган дарахтларнинг онда-сонда қолгани ҳам барги тўрт эллик тупроқ бўлиб ётса?

Шимингизни почаси чанг бўлса кўнглингиз хижил бўлади. Ахир бу ердаги одамлар эртаю-кеч чанг ютишмоқда-ку. Шаҳар ижрокомидаги масъул ходимлар чангга қарши кураш чораларини бафуржа ўйлаб белгиласар, чакки бўлмасди.

САКСОН ОТА.

ПРИМОРЬЕ УЛКАСИ. Узоқ Шарқдаги Октябрь 50 йиллиги номли энг йирик янги санаторий давлат комиссияси томонидан яхши баҳолар билан қабул қилинди.

Бу шифохона ўзининг шифобахш сувлари билан машҳур бўлган Шмаковка курортига ҳусн бахш этди. Санаторийда 300 киши дам олиши мумкин. Шифохона қурувчиларининг кўпчилиги йўлланма олиб, ўз отпускаларини шу ерда ўтказадилар.

СУРАТДА: Октябрь 50 йиллиги номли янги санаторий.

Ю. Муравин фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама
ва
эълонлар
ЦУМ
ТО

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН
ЮК ТАШИШ ТОШКЕНТ
ШАҲАР АВТОТРЕСТИГА
АВТОМОБИЛЬ ХУЖАЛИГИДА
ИШЛАШ УЧУН

1, 2, 3 класс шофёрлари, ҳамма разряддаги автослесарлар

КЕРАК

Ҳамма ишчилар ишга ва уйга қайтишда автомобиль билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогика кўчаси, 14 уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11 трамвайларнинг «Туркман бозори» бекати).

КУЙБИШЕВ
РАЙПИШЧЕТОРГИГА

сотувчилар, кассирлар, ишчилар, фаррошлар.

КЕРАК

ҳамда, 8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизларни савдо қошидаги сотувчилар тайёрлайдиган мактаб-магазинга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Уқувчиларга 45 сўмдан 54 сўмгача стипендия берилади.

Уқиш муддати — 6 ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «1-Май» кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими.

Тошкент шаҳар Киров
районидаги
3649
МАРКАЗИЙ ОМОНАТ
КАССАГА

контролёрлар, кассирлар, бухгалтерлар ва юқорида кўрсатилган касбларга ўргатиш учун шогирдлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Коммунистический кўчаси, 12 уй. Телефон В-3-38-92.

Ташоблисполкомнинг
МАҲАЛЛИЙ САНОАТ
БОШҚАРМАСИГА

бухгалтер — ревизор, техник — нормалаш бўйича техник ёки инженер, секретарь-машинистка, қурилиш бўйича техник ёки инженер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Байкалминал кўчаси, 53 «а» уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ХЛАДОКОМБИНАТИГА

мороженое фабрикасига аёл ишчилар, холодильник учун юкчилар (меҳнат ҳақи-иш бай), секретарь-машинистка, холодильник учун омборчилар, шофёрлар ва ҳар хил қурилиш ишчилари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Воровский кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими. Телефонлар Е-6-24-05, Е-6-24-12 (5, 7, 12, 26 автобусларнинг «1-Вино заводи», 3, 16 автобусларнинг «Фигельский» бекатлари).

10
ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Кураш ва бахтиёрлик рамзи» деган эшиттириш (русча). **18.10** Совет киноси қўшиқлари. **18.40** Спорт эшиттириш (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Индустрлашган Узбекистон» радиожурнали (ўзбекча). **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. **22.20** Ҳ. Шарипов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. **22.40** «Шеърият кутубхонаси» (ўзбекча). **23.15** Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбек артистлари ижросида Шарқ халқларининг куйлари. **19.30** В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан. «Буюк образ» деган адабий эшиттириш (русча). **20.00** Дала меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). **20.30** Корейс куйлари. **21.00** Алишер Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан. «Навоий ғазалларига ёзилган мухаммаслар» (ўзбекча). **21.30** Енгил оркестр куйлари.

11
ИЮЛЬ
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Чанг учун пьесалар. **8.25** «Узбекистон гуллари» деган концерт. **9.30** Оркестр куйлари. **10.30** Ўзбек операларидан парчалар. **11.15** «Беш йиллик илғорлари» деган эшиттириш (ўзбекча). **11.25** Рақс куйлари. **12.15** «Халқ ҳунармандлари». Доғистон радиосининг эшиттириши. **13.30** Иоганн Штраус опереттaларидан парчалар. 16.10 «Свешников раҳбарлигидаги СССР Давлат академик рус халқ хори куйлайди» деган музикали эшиттириш. **16.50** «Правда» газетасининг обзори (ўзбекча). **18.00** «Яхши дам олиш—меҳнат ютуғининг гарови» деган эшиттириш (ўзбекча). **18.10** Италия қўшиқлари. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ешлик» радиостанциясининг программаси. **20.30** Ёш композиторларнинг асарлари (ўзбекча). **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. **22.20** Ф. Ҳакимова куйлайди. **22.40** Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. С. Анорбоевнинг «Ўтинчи чол» повестидан парча (ўзбекча). **23.30** ФУТБОЛ. «Локомотив» (Москва)—«Пахтакор». Москвадан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Совет эстрадаси усталарининг концерти. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Жаҳон прогрессив адабиёти. Турк ёзувчиларининг ҳикоялари (ўзбекча). **19.30** Болгария композиторларининг енгил куйлари. **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Ўзбек композиторларининг романслари. **21.00** «Бепоён далалар» деган радиокомпозиция (ўзбекча). **21.30** Тошкент қурувчилари учун эшиттириш ва концерт (русча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 Асқад Мухтор «Қорақалпоқ қиссаси» радиопостановкаси.



10
ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.00 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Узбек тилида: 18.10 Ўқувчилар учун «Улар бахтимиз учун курашганлар». **18.40** Ленин таълимоти миллионлар қалбида. **19.00** «Шу куннинг созандалари К. Комилов. **19.40** Телевизион янгиликлар. **19.55** Эшиттиришлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эшиттиришлар программаси. **20.05** Телевизион янгиликлар. **21.00** Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар **22.00** Рангли телевидение программаси. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Болалар учун «Артек. 1967 йилнинг ёзи» Ҳужжатли фильм. **18.20** «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». Кинофильм. **19.20** Эстрада куйларидан концерт.

Узбек тилида: 20.00 Ўзбек совет поэзиясининг телевизион антологияси. Толиб Йўлдош. **20.10** «Беш йилликни муддатидан илгари». **20.25** Чолғу куйларидан концерт. **21.00** Телефильм. **21.30** «Қасос» бадиий фильм.

11
ИЮЛЬ
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Эшиттиришлар программаси. **13.05** Телевизион янгиликлар. **13.15** Махачкала телевидение студиясининг программаси **13.45** М. Булгаков. «Сўнгги кунлар». «Телеспектакль. **15.15** Ўқувчилар учун. Одессадан эшиттириш олиб кўрсатилади. **15.45** Ўқувчилар учун. «Марик Пегуснинг саргузашти» номли кўп серияли телевизион бадиий фильмининг тўртинчи серияси. **16.15** Москва кундузги эшиттиришларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55 Эшиттиришлар программаси. **18.00** Телевизион янгиликлар. **18.15** «Алфа ва Омега». Телефильм. **18.50** Реклама ва эълонлар. **19.00** «Икки ўғилнинг отаси» Телевизион бадиий фильм. **20.00** Эшиттиришлар программаси.

Узбек тилида: 20.05 Телевизион янгиликлар. **20.20** «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп эшиттиришлар программаси. **21.00** «Санъат усталари» циклидан. Чингиз Аҳмаров ҳақида эшиттириш. **21.40** «Ленинча ГОЭЛРО плани — амалда». 22.00 «Ярим аср йилномаси» циклидан берилаётган кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1943 йил ҳақидаги серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Киноочерк. **18.20** Олий ўқув юртларига кирувчилар экрани. **18.50** Реклама ва эълонлар. 19.00 Вақт, хабарлар, хроника. **19.10** «Ўш педагогика институти — бизнинг меҳмонимиз». **19.50** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эшиттиришлар программаси. **20.05** Телевизион янгиликлар. **20.15** Махачкала телевидение студиясининг программаси. **21.30** «Қишлоқ янгиликлари». Тошкент шаҳридан эшиттириш олиб кўрсатилади. **22.00** «Севиш ман этилади». Бадиий фильм. **23.30** «Вақт». Информацион программаси. **00.15** Москва эшиттиришларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 Болалар учун. Телефильм. **20.10** «Дўстлик» саҳифалари. «Совет Иттифоқи ва Мўғулистон халқларининг ленинча ҳамкорлиги» деган темада суҳбат.

Рус тилида: 20.25 Янги реформа — амалда. **20.40** Бетховеннинг учинчи концерти. **21.15** «Бўйдоқнинг ҳаёти». Бадиий фильм.

КИНО

10 ИЮЛДА

Сангам — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Қаттиқ ёнғоқ — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечқурун).

Ҳиндлар суянчиғи — «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Қаттиқ ёнғоқ — «ФЕСТИВАЛЬ».

Салават Юлаев — «ХИВА».

Вена қизлари — ТЕЛЬМАН номли.

Калит — НАВОИЙ номли.

11 ИЮЛДА

Қаттиқ ёнғоқ — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳиндлар суянчиғи — «ДРУЖБА» «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Уста жаллод — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Қаттиқ ёнғоқ — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Салават Юлаев — «ХИВА».

Калит — НАВОИЙ номли.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/VII да **Жон қизлар**, 12/VII да **Бағри тош**.

Октябрь район халқ маорифи бўлими ва район касаба союз ташкилоти район халқ маорифи бўлими ўқув-методика кабинетининг мудири М. С. Саидаҳмедовга отаси

Саидаҳмад
САИДАҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ ФАРҒОНА
ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ
ДРАМА ВА КОМЕДИЯ
ТЕАТРИНИНГ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 15
ИЮЛДАН 23 ИЮЛГАЧА
ЎТКАЗИЛАДИГАН

ГАСТРОЛЛАРИНИНГ
РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

Муқимий номли театрнинг ёзги биносида

15 июль НУРХОН,
16, 22 июль ГУЛ ва НАВРУЗ,
17 ИЮЛЬ АЯЖОНЛАРИМ,
18, 21 июль ТУЛИНОЙ
19 июль ИНСОФ
20, 23 июль КОНЦЕРТ

Томошалар кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕФОН ТО РАЛ
Бизнинг адрес:

Тошкент шаҳар. Дзержинский кўчаси. 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Коммутатор — 33.02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — 33-29-33. 33-29-09; масъул секретарлар—33-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими —33-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 33-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57; ахборот бўлими — 33-65-57; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64579.

Нашр. № 2495.
Р. 14826.